



O'ZBEKISTON
YOSHLAR
ITTIFOQI

2018-YIL 24-APREL
SESHANBA

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@mail.uz

48
(16205)

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

YOSHLAR OVOZI

ТУРКМАНИСТОН МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ВА МЕХМОНЛАРИГА

Хурматли кўргазма иштирокчилари!
Туркменистоннинг етакчи корхоналари, компания ва ташкилотлари раҳбарлари!
Қадри дўстлар!

Туркменистон Президенти хурматли Гурбангули Мияликүлиевич Бердимухамедовнинг Ўзбекистон Республикасида давлат таърифиди доирасида Тошкентда ўтказилаётган Туркменистон миллий кўргазмасининг барча иштирокчилари ва меҳмонларини улкан мамнуният билан самимий қўтлайман.

Ўзбекистон ва Туркменистон — стратегик шериклардир. Бизнинг халқларимизни кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари, умумий тарих, дин ва тил, маданият, урф-одат ва анъаналар муштараклиги мустаҳкам боғлаб келади.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик қатъий сиёсий ирода ҳамда олий даражадаги самарали учрашувлар домида эришилган келишувларни биргаликда амалга ошираётганимиз тўғрисида илҳомли ривожланиб, аниқ маъно-мазмун билан бийиб бормоқда.

Ҳеч шубҳасиз, ўзаро ҳамкорлигимизнинг устувор йўналишини савдо-иқтисодий соҳа ташкил этади. Ўтган қисқа даврда биз бу борда ҳақиқатан ҳам муҳим аҳамиятга эришдик.

Кейинги йилларда биринчи марта ўзаро савдо ҳамжи жадал суратлар билан орттиб бормоқда. Мамлакатларимиз корхоналари ва ташкилотлари ўртасида иқтисодиётнинг анъанавий равишда бир-бирини тўлдирадиган тармоқларида кооперация алоқалари кучаймоқда.

Бу ўринда аввало еқилги-энергетика мажмуаси, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, темир йўл транспортини модернизация қилиш ва бошқа кўплаб соҳалардаги лойиҳалар ҳақида сўз бормоқда.

Биз транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ҳамда давлатларимиз ва бутун минтақамизнинг улкан транзит салоҳиятини самарали ишга солишга қаратилган ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтирмоқдамиз.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда мамлакатларимиз бизнес ҳамжамиятлари ўртасидаги илҳомли ишбилармонлик алоқалари ҳамда ҳудудлараро мустаҳкам-

лабил бораётган ҳамкорлик доирасида кенг истиқболлар очилмоқда.

Муҳтарам дўстлар!
Бундан бир ой олдин Ашхобода Туркменистон Президентининг бевосита қўллаб-қувватлаши билан Ўзбекистон миллий саноат кўргазмаси муваффақиятли ўтказилган ва у туркменистонлик шерикларимизда катта қизиқиш уйғотган эди.

Бутун биз мамлакатимизнинг нафақат ишбилармон доиралари, балки бутун жамоатчилигининг эътибор марказида турган Туркменистон миллий кўргазмасини очмоқдамиз.

Кўргазма мажмуасида бугунги Туркменистон иқтисодиётининг улкан салоҳияти ва юксак эътирофга молик ютуқлари, унинг бой табиий, илмий ва интеллектуал ресурслари, замонавий технологиялари кенг намойиш этилмоқда.

Шу билан бирга, бу ерда ташкил этилган ёрқин экспозиция қардош туркман халқининг қадимий ва ноёб маданияти ҳамда анъаналари билан яқиндан танишиш имконини беради.

Туркменистоннинг халқаро миқёсда эътироф этилган барча ютуқлари хурматли Гурбангули Мияликүлиевич Бердимухамедовнинг чўқур ўйланган, самарали сиёсати натижаси эканлиги алоҳида қайд этишни истардим.

Қадри кўргазма иштирокчилари ва меҳмонлари!
Сизларни икки томонлама муносабатларимиздаги қўтуғ воқеа — Ўзбекистон пойтахтида Туркменистон миллий кўргазмаси очилиши билан яна бир бор чин қалбидан табриқлайман.

Ишончим комил, кўргазма якунида иқтисодиётнинг турли тармоқларида кооперация алоқаларини ривожлантиришга, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни дўст халқларимиз фаровонлиги йўлида янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича янги савдо шартномалари ва битимлар имзоланади.

Барчангизга кўргазмада самарали иш олиб бориш, муваффақиятли музокаралар ўтказишни тилайман.

Меҳмондўст Ўзбекистон заминига хуш келибсиз!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ЎЗБЕКISTON — ТУРКМАНИСТОН: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таълифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 23 апрель кунини давлат таърифиди билан мамлакатимизга келди.

Ўзбек ва туркман халқлари азалдан бир дарёдан сув ичиб, тинч-тову, аҳил-иноқ яшаб келган. Халқларимизни ягона тарих, муштарак маданият ва қадриятлар, ўхшаш тил ва урф-одатлар бирлаштириб туради. Бу яқинлик мамлакатларимиз ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорликка асос бўлмоқда.

Алоҳида таъкидлаш жоиз, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга бўлган эди. Мазкур тарихий таъриф Ўзбекистон ташки сиёсатида яхши қўшничилик муносабатларига алоҳида аҳамият қаратаётганининг ёрқин далили, давлатимиз раҳбарининг қўшни мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилишининг ифодаси сифатида эътироф этилди.

Дўстона учрашув ва музокараларнинг асосий натижаси ўлароқ, икки томонлама муносабатлар сифатида янги босқичга — стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедовнинг яқин дўстлиги, ўзаро самимий хурмати ва ишончи мамлакатларимиз ҳамкорлиги ривожига муҳим урин тутмоқда. Президентларнинг ҳар бир учрашуви икки давлат муносабатлари кўламини янада кенгайтириш имконини бермоқда. Президентимизнинг ўтган йил май ва сентябрь ойларида Туркменистонга амалий таърифлари чоғида икки давлат

раҳбарлари учрашиб, ҳамкорликнинг кенг қамровли йўналишлари юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон ва Туркменистон Президентларининг бу гагли учрашуви ўзаро манфаатли ва фаол мулоқотнинг мантиқий давомидир.

Таърифнинг асосий тадбирлари Куксарой қароргоҳида бўлиб ўтди.

Расмий қўтиб олиш маросимидан сўнг давлат раҳбарлари тор доирда учрашув ўтказдилар.

Президентимиз Туркменистон Президентини Ўзбекистон заминида самимий қўтлаб, ўшбу таъриф мамлакатларимиз муносабатлари ривожига муҳим сиёсий воқеа, яхши қўшничиликка асосланган ҳамкорлигимиз изчил ривожланиб бораётганининг далолати эканлиги таъкидлади.

— 2017 йил мамлакатларимиз ҳамкорлиги ривожига тарихий йил бўлди. Ўзбекистон Президентини Туркменистонга уч маротаба таъриф билан борди. Бу мамлакатларимизнинг стратегик даражадаги муносабатларига янги сурбат бахш этди, эришилган келишувлар амалга оширилишига жиддий тўртки берди. Жорий йилнинг биринчи чорасида мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 55 фоиз ўсди. Бу, албатта, ўтган йилги келишувларимиз натижасидир. Олий даражадаги бу гагли музокаралар ўшбу суратни янада ошириш йўлида жиддий қадам бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Гурбангули Бердимухамедов давлатимиз раҳбарига таъриф учун миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда муттасил тараққий этаётганини мамнуният билан қайд этди.

(Давоми 1-саҳифада)

BELLASHUV 16 ЖАМОАГА КОМПЬЮТЕР

Мамлакатимизда “Камалак” билимдонлари кўрик-танловининг финал олд баҳслари давом этмоқда



Қорақалпоқ давлат кўриқ-чоқ театрида ташкил этилган ҳудудий босқич беллашувда 1–7-синф ўқувчиларидан иборат 16 жамоа ғолиблик учун кураш олиб борди.

Ўғил-қизлар тўрт шарт бўйича билим ва маҳоратини синновдан ўтказди. Биринчи ўрин Чимбой тумани ёшларига насиб этди. Улар жорий йилнинг май ойида Нукус шаҳрида бўлиб ўтадиган танловнинг республика босқичида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритди.



Қўриқ-чоқ театрида ташкил этилган ҳудудий босқич беллашувда 1–7-синф ўқувчиларидан иборат 16 жамоа ғолиблик учун кураш олиб борди.

Ўғил-қизлар тўрт шарт бўйича билим ва маҳоратини синновдан ўтказди. Биринчи ўрин Чимбой тумани ёшларига насиб этди. Улар жорий йилнинг май ойида Нукус шаҳрида бўлиб ўтадиган танловнинг республика босқичида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритди.

чига етиб келган ўқувчилар танишув, саҳна кўриниши, савол-жавоб ҳамда ижтимоий лойиҳа шартлари асосида билим ва маҳоратини синновдан ўтказди.

Узун туманидаги 3-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби жамоаси биринчи ўринга сазовор бўлди. Сарийоғ туманидаги 1-умумтаълим мактаби иккинчи, Жарқўрган туманидаги 46-умумтаълим

Барча жамоаларга компьютерлар совға қилинди. Кўрик-танловнинг Сурхондарё вилояти босқичи

мактаби жамоаси учинчи ўринни эгаллади. Муҳбирларимиз.

ESHITDINGIZMI? ЮРТБОШИМИЗ — МУКОФОТ СОҲИБИ

Туркияда таъсис этилган “Евроосиё олдидagi хизматлари учун” мукофотига мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев муносиб топилди.



Кўни кеча Анкара шаҳрида мукофотнинг илк лауреатларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда Туркия Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ёлчин Топчи, фан, саноат ва технологиялар вазири Фарук Озлу, мамлакат парламенти аъзолари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Эслатиб ўтамиз, “Евроосиё олдидagi хизматлари учун” мукофоти танлов Туркиянинг “ЕсоAvgasya” ишбилармонлар жамоат бирлашмаси томонидан эълон қилинган. Ташкилий қўмита томонидан бош номинация бўйича мукофотни Туркиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси қабул қилиб олди.

“Жаҳон” АА материали асосида тайёрланди.

YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA ФАОЛ ТАЛАБАЛАР УЧУН 5 МИЛЛИАРД СЎМ

Президентимизнинг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самардорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармонида Ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш вазифаси белгиланган. Шунга кўра, Ўзлаштириш кўрсаткичи 86 фоиз ва ундан юқори бўлган йигит-қизларга тўлов-контракт пулининг 35 фоизи Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш

жамғармаси ҳисобидан тўлаб бериш тизими йўлга қўйилди. Жорий ўқув йилида ўшбу имтиёздан фойдаланиш истагида 3 минг 279 нафар талаба Иттифоққа мурожаат қилган. — Ҳужжатлар синчковлик билан ўрганилиб, 1 минг 967 нафар йигит-қиз моддий қўллаб-қувватлашга тавсия этилди, — дейди ташкилотнинг Марказий Кенгаши бўлими мудири Баҳодир Кўчаров. — Бунда номзодларнинг маънавий-маърифий ва жамоат ишларидаги

фаоллиги, фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида эришган натижалари, ташкилотчилик ҳамда етакчилик қобилияти, илмий ва ижодий салоҳияти, ички тартиб-интизомга риоя қилиши инobatга олинди. Эслатиб ўтамиз, танловдан ўтган талабаларнинг тўлов-контракт пулини қисман қоплаш учун Ёшлар иттифоқи ҳисобидан 5 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилган.

Шаҳзода НАСРИДИНОВА

ҚАШҚАДАРЁ: МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ИЗЛАБ



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан Қашқадарё вилоятида “Ёшлар ҳафталиги” ўтказилмоқда.

Лойиҳа доирасида етакчи ва сардорлар учун психологик тренинглар, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ва ажримларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, ёшлар орасида тадбиркорлик, фермерликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари ва уларни қўллаб-қувватлаш бўйича очик

мулоқотлар, кам таъминланган оила вакиллари, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтганлар ҳамда уюшмаган ёшлар учун меҳнат ярмаркалари ташкил этилиб, йигит-қизларни қийнаётган қўллаб муаммоларга ечим топилмоқда.

(Давоми 3-саҳифада)

MUNOSABAT ЖАҲОЛАТДАН АСРАГУВЧИ ЙЎЛ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда диний-маърифий йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар жаҳон афқор оммаси эътиборига тушган. Президентимизнинг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тўдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу бордаги ишларнинг узвий давоми бўлди.

Ҳужжатда Тошкент ислом университети негизда Ўзбекистон халқаро ислом академиясини, Ўзбекистондаги Ислам шивилизацияси марказининг олий диний-маърифий таълим муассасаси шаклидаги Ҳадис илми мактабини ташкил этиш белгиланган. Ўшбу муассасалар диний билимларни мустаҳкамлаш, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг икки дунё саодатига етакловчи боқий тарбияларни таъсис этиб, жамиятга етказиш имконини беради.

Улар дунёда илдан бошқа наҳот йўқ эканлиги ўқтирилган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доримий боболаримизнинг ҳадисларини ўрганишдаги пухта услублари, дақиқ нуқталарини шу юрт фарзандлари, қолаверса, жамик муслмон умматига аниқлаш зин масканларига айланганига ҳам шубҳа йўқ.

Рағбат доимо янги марраларни забт этишга чорлайди. Шу маънода Ислам илм-фани ва маданиятига бекиёс ҳисса қўшган буюк аждодаларимизнинг ибратли ҳаёти ва бой илмий меросини чўқур ўрганиб, мамлакатимиз доврўгини жаҳон миқёсида кенг ёйиш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган шахсларни рағбатлантириш мақсадида “Имом Бухорий” Давлат мукофоти таъсис этилиши кишини қувонтиради.

Бугунги таҳликини замонада “Жаҳолатга қарши

маърифат” шиори остида ислом динининг асл моҳиятини тараннум этиш, исломий тушунчаларни нотўғри талқин қилаётган кучлар фитнасида огоҳ этишга қаратилган тадбирларни жадаллаштириш жуа муҳим. Маънавиятимизга қарши қаратилган хавф-хатарлардан аҳоли, айнқиқса, ёшларни хабардор этиш дунё муслмонлари учун бирдек зарур ва аҳамиятлидир.

Мазкур фармонда яна қўллаб муҳим масалалар ўз ифодасини топган. Бу тарихий ҳужжат динимизда барча учун фарзи айин саналган илмининг тараннуми, келажак авлодни ислом маърифати билан тарбия топтиришини асоси бўлиб хизмат қилажак.

Жасурбек РАУПОВ,
Тошкент шаҳар
бош имом-хатиби
ўринбосари

ИСТЕЪДОДИ ҚОЙИЛ ҚОЛДИРДИ 2 бир кун 4 АСКАРЛАР БИЛАН

ЎЗБЕКISTОН – ТУРКМАНИСТОН: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

— Туркменистон ва Ўзбекистон тинчликсевар давлатлар, яхши қўшнилар сифатида танилган. Мамлакатларимиз халқаро майдонда ҳам, ўзаро алоқаларда ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Бугунги музокаралар ўзаро алоқаларни янада мустақамлаш учун яхши имкониятдир. Туркменистон Ўзбекистон билан ҳамкорликни барча соҳалар бўйича кенгайтиришга тайёр, — деди Гурбангули Бердимухамедов.

Минтақавий хавфсизликни мустақамлаш мамлакатларимиз ҳамкорлигида алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон ва Туркменистон Марказий Осиёда тинчлик ва барқарор ривожланишнинг самарали механизмларини яратиш тарафдоридир. Мамлакатларимиз Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича яқин фикрга эга.

Учрашувда терроризм, экстремизм, наркотикларнинг ноқонуний айлиниши, трансмиллий уюшган жиноятчилик ҳамда халқаро хавфсизликка таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарларга қарши курашишдаги ҳамкорликни янада мустақамлаш зарурлиги қайд этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 15 март куни Қозғонистоннинг Осиё шаҳрида ўтган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг биринчи самлаёт учрашувини ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлагани учун Гурбангули Бердимухамедовга миннатдорлик билдирди.

Мулоқотда Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашиди.

Музокаралар икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом эттирилди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, нефть-кимё, транспорт-коммуникация, қишлоқ хўжалиги, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни мустақамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистондан Туркменистонга қишлоқ хўжалиги техникаси, сархил ва қайта ишланган мева-сабзавотлар, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари, кимё, тайёр текстиль маҳсулотлари, турли соҳадаги хизматлар экспорт қилинади. Туркменистондан юртимизга нефть ва нефть маҳсулотлари, механик ускуналар, пропилен полимерлари, бошқа кимёвий товарлар келтирилади.

Ўзбекистон ва Туркменистон иқтисодийта ҳали тўла ишга солинмаган қўллаб-қувватлаш мавжуд. Улардан фойдаланиб, ўзаро савдо айланмасини жадал ошириш ва номенклатурасини

кенгайтириш зарурлиги таъкидланди. Икки мамлакат бозорларига харидорғир маҳсулотлар етказиб бериш, ҳудудлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш масалалари муҳокама қилинди. 2020 йилга бориб товар айир-бошлаш ҳажмини 500 миллион долларгача етказиш учун зарур чора-тадбирларни амалга оширишга келишиб олинди.

Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия фаолияти бу борада аниқ амалий натижаларга эришишда муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди. Мазкур комиссиянинг жорий йил 1 март куни Тошкентда ўтказилган учрашуви савдо-иқтисодий алоқалар мустақамлашида яна бир қадам бўлди.

Турли даражадаги самарали учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка янги сурбат бағишлаб, уни амалий мазмун билан бойитмоқда. Март ойда Ашхободада Ўзбекистон миллий саноат кўргазмаси муваффақиятли ўтказилди. Шу кунларда пойтахтимизда Туркменистон миллий кўргазмаси ва икки мамлакат ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтмоқда.

Музокараларда бундай кўргазмаларни мунтазам ўтказиш, савдо, ишлаб чиқариш кооперацияси, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда йирик лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашиди.

Мамлакатларимиз минтақادا йирик энергетик лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Йилига 25 миллиард куб метргача газ етказиш қувватига эга Туркменистон – Ўзбекистон – Қозғонистон – Хитой газ қувури лойиҳаси шулар жумласидандир.

Транспорт соҳаси ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Мамлакатларимизнинг ўзаро интеграциялашган автомобиль ва темир йуллари учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтамоқда. Амударё устида қурилган Туркманобод — Фароб автомобиль ва темир йул кўприклари бунинг тасдиғидир. Мазкур кўприклар Президентимизнинг 2017 йил март ойда Туркменистонга давлат ташири чонига тантанали равишда очилган эди.

Ўзбек ва туркман халқларини бир-бирига боғлаб турадиган тарих, маданият ва урф-одатлар халқларимизнинг умумий мулкига айланган. Бу яқинлик маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ривожидида мустақам асос бўлмоқда.

Ўзбекистон таълим муассасаларида Туркменистоннинг 720 фуқароси таҳсил олмақда. Ўзбекистон ва Туркменистон вақилари икки мамлакатда ташкил этилаётган турли маданий тадбирлар, концертлар, фестиваллар ва танловлар, спорт мусобақаларида фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон спорт делегацияси 2017 йилнинг сентябрь ойда Ашхободада ўтган V Ёпиқ ишоотларда ва жанг санъатлари бўйича Осиё уйинларида иштирок этди. Ноябрь ойда Туркменистонда ўтказилди. Ушбу тадбир доирасида мамлакатимиз санъат усталари ва маданият арбоблари иштирокидаги концерт, бадиий асарлар кўргазмаси ташкил этилди.

Ўзбекистонда туркман миллатига мансуб 192 минг аҳоли истиқомат қилмоқда. Уларнинг тили, маданияти, урф-одатларини ривожлантириш учун барча шарт-шароит яратилган.

Мамлакатимизда туркман тилида дарс бериладиган 44 мактаб фаолият юритмоқда. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетидида туркман филологияси йўналишида мутахассислар, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтидида туркман тили ўқитувчилари тайёрланмоқда.

Музокаралар давомида транспорт ва транзит соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, бу орқали мамлакатларимизнинг ушбу йўналишдаги рақобатбардошлигини ошириш зарурлиги қайд этилди. Қишлоқ хўжалиги техникаси, автомобиллар, электр техникаси ускуналарини ҳамкорликда ишлаб чиқариш, нефть ва нефть маҳсулотлари етказиб бериш, чегаравалди ҳудудлар ўртасида савдо-сотикни ошириш, хизматлар кўрсатиш ва бошқа масалалар бўйича келишувларга эришилди. Ўзбекистоннинг Туркменистон — Афғонистон — Покистон — Ҳиндистон газ қувури қурилиши лойиҳасида иштирок этиши қайд этилди.

Икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Қўшма баёнотни имзоладилар.

Икки томонлама ҳамкорликнинг «сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, таълим ва спорт соҳаларида янада мустақамлаш ва ўзаро алоқаларни изчил ривожлантиришга доир 17 ҳужжат имзоланди.

Минтақалараро ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим, 2018 – 2020 йилларга мўлжалланган транспорт соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳамда 2019-2021 йилларга мўлжалланган илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро дастурлар, Ўзбекистон ва Туркменистонда савдо уйлари ташкил этиш, икки мамлакат Савдо-саноат палаталари ўртасида ишбилармонлар кенгаши ташкил этиш тўғрисида битимлар, Ўзбекистон ва Туркменистон Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2019 йилга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Икки томонлама ҳамкорликни қишлоқ хўжалиги, ёшлар, хотин-қизлар масалалари, фан-техника, касба уюшмалари

ри ва бошқа соҳаларда янада мустақамлашга доир ҳужжатлар қабул қилинди. Усимликлар карантини соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим, икки мамлакат касба уюшмалари ва хотин-қизлар қўмиталари ўртасида Англашув меморандумлари, ёшлар ташкилотлари ўртасида Англашув меморандуми шулар жумласидандир.

Шунингдек, ташир доирасида олий ўқув юрталари ўртасида ва ахборот-коммуникация соҳаларида оид 15 ҳужжат имзоланди.

Оммавий ахборот воситаларини вакиллари билан учрашувда Президентлар музокаралар очик, самимий, ишчанлик руҳида ўтгани, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Туркменистон халқлари манфаатлари йўналишида серқирра ва дўстона муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини қайд этилди.

Куннинг иккинчи ярмида Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Муштақилик майдонига ташир буюрди. Олий мартабали мяхмон хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Муштақилик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Шундан сўнг, Гурбангули Бердимухамедов Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исро Каримов ҳайкали пойига гул қўйиб, Буюк Йўлбошимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

2017 йил май ойда ўзбек ва туркман халқлари боқий дўстлиги ҳамда қарошлигининг рамзи сифатида Тошкент шаҳрида Махтумқули номидаги кўча ва унга бағишланган мяхморий ёдгорлик очилган эди.

Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедов Махтумқули кўчасига ташир буюрди. Президентлар махшур туркман шоири ва мутафаккири ёдгорлиги пойига гул қўйди.

Яқин ансамблга айланган бу хибон Гурбангули Бердимухамедовда катта таассурот қолдириди. Туркман халқи, адабиёти ва маданиятига кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиром учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга ташири шарифига Махтумқули кўчасида «Ашхобод сайгоҳи» барпо этилди. Икки давлат раҳбарлари ушбу сайгоҳнинг очилиш маросимида қатнашдилар.

Президентлар боғда яратилган шароитлар билан танишди. Икки давлат раҳбарлари Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик алоқаларининг рамзи сифатида «Ашхобод сайгоҳи»га кўчат ўтказди.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг мамлакатимизга давлат ташири давом этмоқда.

Матназар ЭМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири

JARAYON ИСТЕЪДОДИ

Барно ЯКУБОВА

Ёшлар иттифоқи ҳузуридаги Ёш ижодкорлар кенгаши раиси Меҳриноз Аббосова ҳамда Имконияти чекланган ёшларни қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари Раъно Шодиева Шовот туманидаги 1-мактаб-интернатда бўлди.

Ўқувчилар билан дилдан сўхбат қурган меҳмонлар уларнинг математика ва физика фанларидан чуқур билим соҳиб эканига амин бўлди. Инглиз тилида бурро сўзлашшини айтмайизми! Орасида ижодкорлари ҳам талайгина.

— Бугун умидли шoir укамиз — Оғабекни кашф этдик, — деди Меҳриноз. — 6-синф ўқувчисининг уруш ҳақида ёзган шеърлари шунчалик таъсирчан ва пурмаъноки, қойил қоласан, киши. Дилдан қуйилиб келган мисраларидан англадимки, ҳаётда мақсадсиз яшашга ҳаққимиз йўқ!

Тадбир якунида ўз ижод намуналаридан ўқиб берган ўқувчиларга бадиий китоблар совға қилинди.

Шундан сўнг Раъно Шодие-

қойил қолдирди



тайёрлигини айтди. Шундай имконият Раҳмат Бобоҷон тахаллуси билан қалам тебратувчи дўстимизга ҳам nasib этди.

Имконияти чекланган ёшларни қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари Шовот туманидаги жисмоний имконияти чекланган болаларга мўлжалланган 19-мактабгача таълим муассасасига ташир буюриб, ажойиб концерт дастури устидан чиқди.

— Мана бу кичкинтойлар қалбидан чексиз меҳр нуллари таралади, — деди Р.Шодиева. — Ҳақиқий иқтидор аслида шулар. Сиз бўлгуси фидойиларимиз, келажакимиз эгаларисиз!

Болалар ижодидан баҳраманд бўлган таниқли актриса уларнинг ҳар бирига совға-саломлар улашди.

SAN'AT ИККИНЧИ ПАРВОЗ

Ўзбекистон давлат консерваториясида академик чолғулар, эстрада ва анъанавий ижрочилик бўйича «Истеъдод» II халқаро танловига старт берилди

Лойиҳа Маданият вазирлиги, Композиторлар ва бастакорлар уюшмаси ҳамда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Мақсад ёшларнинг ижрочилик маҳоратини сайқал топтириш, жаҳон ва ўзбек мумтоз музикасининг шоҳ асарларини, миллий санъатимизни тарғиб этишдан иборат.

Ижодий беллашувга Хитой, Эрон, Тожикистон, Қозғонистон, Қирғизистон, Афғонистон, Озарбайжон, Россия, Белоруссия, Туркия, Корея Республикаси, Германия, Миср каби ундан ортиқ давлатдан келган беш юз нафар ёш истеъдод соҳибни қиришган. Танлов олти йўналиш бўйича ўтказилиб, 29 апрелга қадар давом этади.




Н.НУРИЛЛАЕВА

TA'LIM TARAQQIYOTI

Ноиржон ЮСУПОВ

Фарғоналик Одинахон Қамбарова касбига фидойи ўқитувчилардан. У Бағлод туманидаги 45-умумтаълим мактабидида инглиз тилидан дарс беради.

ПЕДАГОГНИНГ ИННОВАЦИЯСИ



Ёш муаллима янги педагогик технологиясини яратган. Бу услуб жуда оддий: синфдаги ўқувчиларнинг исми ёзилган санок чўплар қутига солинади. Дарс давомида санок ўқилди ва қутидан исталган санок чўп олиниб, унда исми битилган ўқувчилардан жавоб сўралади. Бундай ёндашув болалардан барча дарсларга пухта тайёрларик

TASHABBUS

Санжар ЭШМУРОДОВ

Пойтахтимиздаги «Анҳор-Локомотив» маданият ва истироҳат боғида ширинликлар фестивали бўлиб ўтди

БИРАМ МАЗА!

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабалари ташаббус билан ташкил қилинган тадбирга Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда имконияти чекланган болалар тақлиф этилди.

SENING TENGDOSHING ГУЛБАҲОР

Олимпиадага боради

Отабек ИСРОИЛОВ

Ўрта Чирчиқ туманидаги 51-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Гулбаҳор Файзиёва Барселона шаҳрида бўлиб ўтган байларка ва канозда эшакка эшиш бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионатида қатнашиб, олтин медал ҳамда жорий йил Аргентинада бўлиб ўтадиган III ўсмирлар Олимпиада йўналишига қўлга киритди.

200 ва 500 метр масофага эшакка эшиш бўйича Осиё кубогини қўлга киритди. Хитойда ўтказилган Осиё чемпионатида эса, кучли бешликдан ўрин олди. Бундан ташқари у беш қарра Ўзбекистон чемпиони номига сазовор бўлган.



Айни дамда тенгдошимиз мураббийи Екатерина Заркулова назорати остида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли эшакка эшишчилар базасида машғулотлар олиб бормоқда.

— Спортга мени онам қизиқтирган, — деди Г.Файзиёва. — У зоқ йиллар мактабда жисмоний тарбия фани ўқитувчиси бўлиб ишлади. Отам — Зарина Аҳмедова иккимизнинг спортчи бўлишимизга замин яратди. Келгусида Ватанимиз байроғини баланд кўтариш ҳамда устоз-мураббийларим юзини ёруф қилиш учун астойдил ҳаракат қиламан.



ҚАШҚАДАРЁ:

муаммоларга ечим излаб

(Бошланиши 1-саҳифада)

АҲВОЛ ЧАТОҚ-КУ!

Касби озиқ-овқат саноати ва хизмат курсатиш коллежиди тўғрисидаги ёшлар масаласига масъул мутасаддилар иштирокида ўтказилган учрашув чоғида бугунги кунда ҳудудда тўрт минг нафарга яқин тенгдошимизнинг бандлиги таъминланмагани маълум бўлди. Жумладан, “Оққамиш” маҳалласида 2 минг 113 нафар ёш истиқомат қилади. Уларнинг беш юз нафари доимий иш жойига эга эмас. Юз нафарга яқини эса, хорижий мамлакатларда меҳнат қиламоқда.

Умуман олганда, Касби туманида ёшлар билан ишлаш масаласини қониқар-

кенгаши қошида бир қанча тўғрақлар фаолияти йўлга қўйилган. Бироқ...

Туманда 8 минг 929 нафар уюлмаган ёш мавжуд. Янада ачинарлиси, асосий салмоғи хорижда ишламоқда. Жорий йилда ҳам 504 нафар ёш иш қилириб, чет элга йўл олгани маълум. 3 минг 700 нафари эса, аксинча, ватанига қайтиб келган. Аммо уларнинг 14 нафари ишга жойлаша олган, холос.

Ишчи гуруҳи вакиллари ёшлар билан боғлиқ шу каби муаммоларни бартараф этиш бўйича зарур кўрсатмалар берди. Ёшлар ҳам бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришдан қочмади.

Хусусан, “Арабхона” маҳалласида яшовчи Суннатилла Муродов туячилик,

лежларида ўқувчиларнинг дарсга қатнаш кўрсаткичи паст экани аниқланди. Баъзи умумтаълим мактабларида ўқувчилар белгиланган меъёрдан икки-уч баробар ортқ бўлиб, ўқиш икки, ҳатто уч сменада ташкил қилинган. Бу эса, таълим сифати ва ўзлаштириш кўрсаткичларига ўз таъсирини ўтказмоқда. Ҳудуддаги спорт мактабларининг фаолияти ҳам ҳавас қиларли даражада эмас.

ТҮЙГА МАРҲАМАТ!

Ўзур молия-иқтисодий касб-хунар коллежиди ташкил этилган очиқ мулоқотда ёшлар таълим муассасалари ва маҳаллий кенгаши тўғрақлар сони етарли эмаслигини шикоят қилиб, компьютер саводхонлиги курсларини ташкил этишда амалий ёрдам сўради. Шу бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Мулоқот Ёшларга ижтимоий-психологик хизмат курсатиш маркази ходими Дилобар Мирвосилованнинг семинар-тренингга улашиб кетди. Мутахассис бошланғич ташкилот етакчиларига боғлар билан ишлаш, уларнинг истеъдодини юзга чиқариш юзасидан зарур маслаҳатлар берди.

Куннинг энг эса қоларли воқеаси “Орзу” тўйхонасида ўтказилган ихчам тўй бўлди. Икки ёшнинг бахт оқшомига атиги 160 нафар киши таклиф қилинди. Уларга ҳоқимликнинг махсус совғаси ҳамда икки кишилик саёҳат чиптаси топширилди.

ТИЗИМ МАВҚУЛ КЕЛДИ

Ёшлар ҳафталиги давомида республика ишчи гуруҳи виллоятнинг олис ҳудудларидан ҳисобланган Деҳқонobod туманида ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Мутахассислар маҳаллама-маҳалла юриб, ҳар бир хонадон соҳибларни ҳолидан хабар олди. Шундан сўнг улар Ёшлар иттифоқининг “Деҳқонobod калияли ўғитлар заводи” унитар корхонасидаги бошланғич ташкилот фаолияти билан танишди. Корхонада ёшлар учун яратилган шароитлар, улар билан ишлаш тизими самарали йўлга қўйилган. Ҳар йили етакчи тавсияси билан касб-хунар коллежи битирувчилари ишга қабул қилинмоқда. Ишчи гуруҳи аъзолари ушбу тизимни бошқа корхона ва ташкилотларда ҳам омдалаштириш зарурлигини қайд этди.

ГУЛШОДАНИНГ КИТОБИ ЧОП ЭТИЛАДИ

Қамаши педагогика-иқтисодий коллежиди ўтказилган учрашувда қамашлик ёшлар фаолигини намоён этди. Улар ўзларини қийнаётган масалалар билан мутасаддиларга мурожаат қилди. Ишчи гуруҳи аъзола-

ри йигит-қизларни диққат билан тинглаб, муаммоларнинг аксариятини жойида ҳал қилди.

Хусусан, ёш ижодкор Гулшода Маҳмудова ўзи ва тенгдошларининг ижод намуналарини чоп этишда амалий ёрдам сўради. Унинг бу илтимосига туман ҳокимининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари Шомурод Юсупов ҳамда Ёшлар иттифоқининг Қамаши тумани кенгаши раиси Ризмат Ҳайдаров хайрихоҳ бўлди.

Ўш умумтаълим мактаби ўқувчиси Сетора Абдурахмонова эса, мактабда спорт зали йўқлиги, тўғрақлар ишламаслигини айтди. Ҳудуд мутасаддилари айна пайтада туманда спорт залига эга бўлмаган яна бир неча мактаб борлигини айтиб, 2020 йилга қадар бу муаммони ҳал қилишга ваъда берди.

МУТАСАДИЛЛАР ҚАЕРГА ҚАРАЯПТИ?

Ҳафталик давомида мутахассислар Яккабоғ туманида ёшлар масаласи бўйича қилинаётган ишлар билан танишди. Афсуски, бу ерда ҳам қувонтирадиган жиҳатлар оз.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда Ёшлар иттифоқи ўртасида умуман алоқа йўлга қўйилмаган. “Қамалак” болалар ташкилоти раиси ҳам ўз вазифасини тўлиқ билмайди. Туман ҳокимлиги ва Ёшлар иттифоқи маҳаллий кенгашининг маъсулиятсизлиги сабаб “Ҳоким ва ёшлар” учрашуви ўтказилмаган.

“Совунбулоқ” маҳалласи ёшларининг сунъий футбол майдончаси қуришни сўраб қилган мурожаати эътиборсиз қолган. Қорамунча агроноат касб-хунар коллежи директори эса, электр тоқини кўп сарфланаётганини баҳона қилиб, шу ерда фаолият юритаётган тўғрақни ёпиш ҳаракати-га тушган. Мамлакатимизда ёшларга шунча эътибор қаратилмаётган бир пайтада Яккабоғдаги мутасаддиларнинг боқибегамлигини қандай тушуниш мумкин?

Ёшларга ижтимоий-психологик хизмат курсатиш маркази вакиллари туман маҳаллаларидаги ижтимоий муҳит, оилалар мустақамлигига дарз кетиш сабабларини ўрганди. Аҳоли билан бўлган самимий мулоқот ва учрашувлар натижасида аксарият муаммолар иқтисодий етишмовчилик, ишсизлик ва носоголом маънавий муҳит сабабли келиб чиқаётгани аниқланди. Бу ҳолатлар ота-она, фарзандлар, эр-хотин ўртасида зиддиятларни юзга келтирмоқда. Мутахассислар уларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўрмоқда.

TENG IMKONIYATLAR JAMIYATI

ТАҚДИРИГА ТАН БЕРМАГАН АДБИРКОРЛАР

Сардор БЕКЖОНОВ

Бугун ёшларимиз учун имкониятлар эшиклари кенг очилган. Қандай натижа униши эса, ўзимизга боғлиқ. Шаҳду шижоат бобиди мана бу йигитлардан ибрат олсак арзийди.

Қизилтепа маиший хизмат курсатиш касб-хунар коллежи ўқувчиси Носир Чориев II гуруҳ ногирони.

Аммо айрим тенгқурлари каби тақдирдан нолиб, ялтоқланиб ётиб олгани йўқ. Шу ҳолида ҳам гайрат

қилиб, уйда иссиқхона ташкил этди. Бу билан кифояланмай, ҳозир қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ниятида банкдан имтиёзли кредит олиш ҳаракатида юрибди. Бу ишда Ёшлар иттифоқининг туман кенгаши унга яқиндан ёрдам беришга чоғланган.

Тақдир тақозоси билан тўрт ёшида битта қўлидан ажралган навбахорлик Дилшод Пирматовнинг ҳам меҳнатсеварлигига қойил қолмай иложимиз йўқ. Бу тенгдошимиз икки сотих ер майдониди иссиқхона қурди. Орадан кўп вақт ўтмай, юзта қуён парвариллаш бошлади. Энди Дилшоджонни бемалол тадбиркор деб атаса бўлади. Икки нафар ёшни ҳам иш билан банд этган.
— Жисмоний имкониятим чекланганидан ҳечам ўксимайман, — дейди Д.Пирматов. — Чунки яқинларим камчилигини билдирмай, менга ҳаммаша дадла бериб келади. Топен порлоқ инсонман. Бахтимга ёшлар ташкилоти бор экан — имкон қадар оғиримни енгила қилишга ҳаракат қилаёпти. Келажакда ўзим каби ногирон ёшларни иш билан таъминлашни ният қилам.



TASHABBUS VA IJRO

ҚИЧҚИРИҚ КАНАЛИ БҲЙИДА

замонавий иншоотлар қад ростламоқда

Тумарис АБЗАМ

Ҳеч эсимдан чиқмайди, хориждан келиб дарс берган ўқитувчимиз Ўзбекистондаги ноёб тузилма — маҳалла институти фуқароларнинг ташаббуси билан ташкил этилиши ва тарбия ўчоғи вазифасини бажариб келаётгани ҳақида эшитиб: “Шунақаси ҳам бўлиши мумкин экан-да”, — дея хайратланганми.

Бугун маҳаллаларимиз файзига-файз қўшилмоқда. Давлат томонидан курсатилмаётган эътибор туфайли улар обод масканга айланаётгани фойда қувонари ҳол. Масалан, Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги “Қичқирик” маҳалласи ҳудудиди бутун бошли маданият ва истироҳат боғи барпо этиляпти. Ташаббус Президентимизнинг узидан чиққан.

— Бизда йигирма икки-та кўп қаватли уй бўлиб, 1 минг 500 дан ортқ оила истиқомат қилади, — дейди маҳалла раиси Панжи Сойилов. — Қичқирик канали атрофи чакалакзорга айланиб кетгани учун ҳатто кундуз кунни ёнидан ўтишга қўрқардик. Мана энди манзара буткул бошқача тус олмоқда. Ҳадемай, бу ерлар сўлим гушага айланиши ҳақида ўйлаб қалбимиз қувонч-

га тўлади. Янги маданият ва истироҳат боғи ҳудудиди нурунийлар маскани ҳам жойлашиб, чойхона ва аския маркази, Абдулла Қодирий ва Чўлпон номиди кутубхоналарни барпо этиш режага киритилган. Бир вақтнинг ўзида маҳаллада янги амфитеатр, оилавий поликлиника, иккита чумилиш ҳавзаси ҳамда тўртта болалар майдончаси ҳам қурилиб

битказилмоқда. — Олиб борилаётган бунёдкорлик ишларидан қўшни “Олтинсой” маҳалласи аҳли ҳам беҳад мамнун, — давом этади П.Сойилов. — Ахир, кўркам, баҳаво жойларда кимнинг ашагиси келмайди, дейсиз. Дам олиш ёки байрам кунлариди фарзандани истироҳат боғиди айлантирмоқчи бўлган ота-она шаҳарнинг фалон манзилга йўл олишга тўғри келарди. Ишончим комилки, энди бундай муаммо юзга келмайди. Қичқирик канали бўйидаги янги иншоотларни мустақиллигимизнинг 27 йиллик арафасида фойдаланишга топшириш кузда тутилган.

FOTOFAKT

Клара ХУДАЙБЕРГЕНОВА

Республика ёшлар марказининг Қорақалпоғистон бўлимаси Хўжайли туманида бир қанча тўғрақлар фаолиятини йўлга қўйди.



“НУРОТА”ДА

90 нафар ёш иш билан таъминланди

Гулаё РАВШАНОВА

Янги меҳмонхонанинг очилиш маросимида Навоий вилояти ҳокими Қобил Турсунов, нурунийлар ҳамда бир гуруҳ фаол ёшлар иштирок этди.



Муассаса 240 ўринга мўлжалланган. Унда сайёҳлар учун барча қулайликлар яратилган. Асосий персонал ёшлардан ташкил тоналган алоҳида эътиборга моликдир.

Мазкур туристик объект бой тарихи ва муқаддас қадамжолари билан машҳур қўшна Нуротага келувчилар оқимининг ошишига хизмат қилса, ажаб эмас.



ли деб бўлмайди. Ёшлар иттифоқининг маҳаллий кенгаши ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилмас экан, аҳвол шу зайдда давом этиши аниқ. Ҳафталик давомида масъуллар ўзларига тегишли ҳудоса чиқариб олишга умид қиламиз.

КРЕДИТ ОЛОЛМАЙ ОВОРА-ОЛСАН...

Косон тумани аҳолисининг 170 минг нафардан

Элёр Омонов чорвачилик билан шуғулланиш учун банкдан имтиёзли кредит олишда қийинчиликка дуч келганини айтди. Муаммо тез орада ҳал қилиб бериладиган бўлди.

Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрлар тайёрлаш институти мутахассислари томонидан ҳудуддаги бошланғич ташкилот етакчилари ва маҳалла посбонлари учун ташкил этилган ўқув-семинарида икки томонлама алоқаларни



зиёдини ёшлар ташкил этди. Уларни бир гоа атрофида бирлаштириш, муаммолари ечимиди кўмакдош бўлиш мақсадиди таълим даргоҳлари, корхона ва муассасаларда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг 155 та бошланғич ташкилоти, қолаверса, Иттифоқнинг туман


мустақамлаш, ҳамкорликни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди

ДАВОМАТ СУСТ. НЕГА?

Мўборак туманидаги ўрганишлар натижасида ҳудуддаги мавжуд академик лицей, касб-хунар кол-

АСКАРЛАР БИЛАН

Бир кун



Элдор НАВРУЗОВ

Бахмал туманидаги ҳарбий қисмларнинг бирида "Ватан ҳимояси йўлида барчамиз масъулмиз!" шiori остида очиқ эшиклар куни ўтказилди. Тадбирга ҳудуддаги барча мактаб ва касб-ҳунар коллежларидан жами 660 нафар ўқувчи жалб этилди.



Йигит-қизлар аскар акалари билан жонли мулоқотда бўлиб, уларнинг ҳаёт тарзи, овқатланиш раиони, кунлик машғулотларга тайёргарлик жараёни билан яқиндан танишди. Ёшларга асосий ҳарбий қуролларнинг ишлаш принциплари ҳам тушунтирилди. Шунингдек, уларга тоғли ҳудуддаги оғир шароитларда қандай ҳаракатланиш кераклиги амалда курсатиб берилди.



YUKSALISH



Фахрлансак арзийди

Роҳатой ҚОДИРОВА

Юртимизнинг сайёҳлик имкониятлари беқиёс. Ҳозир уларнинг жуذا оз қисмидан фойдалана оламиз, холос. Шунга қарамай, жаҳонга машҳур туристик марказларимиз билан бемалол фахрлансак арзийди. Улардан бири рўйи замин сайқали Самарқанддир.

Самарқанд инсон ўз умри давомида ҳеч бўлмаганда бир марта бориб куриши шарт бўлган дунёнинг элик шаҳридан бири саналади. Яқинда эса, Австралиядоги "Skyscanner" ахборот портали экспертлари бу кўҳна кентни сайёрамизнинг 15 та энг гузал гўшалари қаторига киритди.

Бугунги кунда вилоятда 85 та туристик фирма, 107 та меҳмонхона фаолият кўрсатмоқда. Улар 4 минг 500 нафарга яқин сайёҳга хизмат кўрсатиш имкониятига эга.

Самарқанд Юрмала (Латвия), Кенжу (Корея), Флоренция (Италия), Красноярск ва Самара (Россия), Рио-де-Жанейро (Бразилия), Лахор (Покистон), Львов (Украина), Аъеж (Бельгия), Пловдив (Болгария), Банда-Ачех (Индонезия), Лион (Франция), Бремен (Германия), Кайруан (Тунис), Мехико (Мексика) каби дунёнинг янгирама яқин шаҳри билан биродарлашган. Жорий йилда улар сафига Испаниянинг Валенсия, Япониянинг Нара, Туркиянинг Истанбул шаҳарлари қўшилади.



O'QING, BU QIZIQ!



Бутунжаҳон китоб ва муаллифлик ҳуқуқлари куни 23 апрелда нишонланади. Бу сана 1996 йилда таъсис этилган.

Шунингдек, ҳар йили ЮНЕСКО томонидан Жаҳон китоблари пойтахти эълон қилинади. Жорий йилда бу мақомга Афина шаҳри эришди.

Жаҳон китоблари пойтахти шарафига турли йилларда Мадрид (Испания), Искандария (Миср), Деҳли (Ҳиндистон), Монреаль (Канада), Богота (Колумбия), Буэнос Айрес (Аргентина), Бангкок (Таиланд), Порт-Харкорт (Нигерия), Вроцлав (Польша), Конакри (Гвинея) ва бошқа шаҳарлар ҳам муяссар бўлган.



Берлиндаги энг қадимги олий ўқув юрталаридан бири — Гумбольт номидаги университет бениси олда китобларга ўрнатилган улкан ҳайкални кўриш мумкин. У 1450 йилда китоб чоп этувчи ускуни ихтиро қилган Иоганн Гутенберг шарафига бунёд этилган.

САВОЛГА 1 ЖАВОБ

— Вояга етмаган фарзандим бор. Қандайт махсулотлари тайёрлаш шеҳида ишлайди. Айтинг-чи, қонунчилигимизда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун оғир юк нормаларининг чегараси белгиланганми?

Зоира ШЕРҚУЛОВА
Узун тумани



Саволга Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши юридик хизмат бўлими мудири Баҳром ИЛҲОМЖОНОВ жавоб беради:

— Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 21 апрелдаги 17/ҚҚ, 8-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисида"ги низомга мувофиқ, 16–18 яшар шахслар иш вақтининг учдан бири қисми юкларни кўтариш ва ташиш билан боғлиқ ишлардан иборат бўлганда, улар учун юк кўтариш ва ташиш нормаларининг чегараси сиз кўриб турган жадал асосида белгиланади.

Бордию, 16–18 яшар шахслар иш вақтининг учдан бири қисми юкларни кўла кўтариш ва ташиш билан боғлиқ ишлардан иборат бўлганда, кўла юк кўтариш ва ташиш нормаларининг чегараси: ўил болалар учун — 6,5 килограмм, қиз болалар учун — 3,5 килограмм этиб белгиланган.

Кўтариш ва ташиш турлари	Юк нормасининг чегараси		Кўтариш ва ташиш шартлари
	ўғил болалар учун	қизлар учун	
Кўла	13 килограммгача	7 килограммгача	қиялик баланлиги* 0,01 дан юқори бўлмаганда рўхсат этилади
Бир гилдиракли аравача	39 килограммгача	қизларга рўхсат этилмайди	қиялик баланлиги 0,02 дан юқори бўлмаган фақат тахтали йўлакда ҳаракатланишга рўхсат этилади
Икки гилдиракли аравача	47 килограммгача	қизларга рўхсат этилмайди	қиялик баланлиги 0,02 дан юқори бўлмаган текис йўлда ҳаракатланишга рўхсат этилади
Уч ва тўрт гилдиракли аравача	67 килограммгача	52 килограммгача	қиялик баланлиги 0,02 дан юқори бўлмаган текис йўлда ҳаракатланишга рўхсат этилади
Вагонеткалар	405 килограммгача	224 килограммгача	қиялик баланлиги 0,01 дан юқори бўлмаган темир йўлларда ҳаракатланишга рўхсат этилади

* Қияликнинг баланлиги деганда қиялик энг юқори баланд нуқтасининг йўл узунлигига нисбати тушунилади.

кур тоифа вакиллари фақат юкларни кўла кўтариш ва ташиш билан боғлиқ бўлган ишлардан иборат бўлганда, кўла юк кўтариш ва ташиш нормаларининг чегараси: ўил болалар учун — 6,5 килограмм, қиз болалар учун — 3,5 килограмм этиб белгиланган.

етмаган фарзандим бор. Қандайт махсулотлари тайёрлаш шеҳида ишлайди. Айтинг-чи, қонунчилигимизда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун оғир юк нормаларининг чегараси белгиланганми?

НАЙОТ CHORRAHASIDA

ПОМБАРХ КҲЙЛАК

Сайёра ТҲЙЧИЕВА

Бувим сипо, вазмин инсон эди. Бировни ғийбат қилганини сира кўрган эмасман. Тўй-маъракаларга борганда ҳам хонадон соҳибларини муҳокама қилмасди. "Қурби етганича тўй қилибди. Худонинг етказгани шу-да. Элнинг дуосини олгани катта савоб", — дерди.

Бувимнинг меҳмондорчиликка кийишга фақат битта помбарх кўйлаги бор эди. Бироқ на емакдан, на киймакдан ногилгани эсломайман. Бир сафар тўйга шу кўйлагини кийиб борса, бир аёл: "Помбарх матоси бир пайлар роса урф бўлиб кетганди. Ҳалиям кийишар экан-да?" — деб теккизиб гапирган экан. Шунда даврадагилар хижолат бўлиб, бувимга кўз ташлади. У киши эса, доимгидек оқилона жавоб қилибди:

— Ҳа, нимасини айтасиз, айланай. Бизнинг замонларда бу кўйлақлар мода эди. Машойхлар "Кийим — нур", деган. Яна: "Жаннатта киришда уст-бошингга қаралмайди, оёгинг ерда турсин, болам", — дейдилар. Ялангочнинг тушига икки қулоч бўз кирди. Шу ёшга кириб латта-путтага кўнглим сўст кетмабди. Борига шўқ қилиб келаямиз. Шу гапларни айтиб

бувим даврани тарк этган. Унга қўшилиб келину неваралари ҳам тўйхонадан чиқиб кетган. Аммо бувим ўша аёл ҳақида ҳеч қачонда оғиз очмади, ўзгаларнинг ҳам ғийбат қилишига йўл қўймади.

Маълум бўлишича, бувимнинг аччиғини келтирган меҳмон тумандаги давлатман раҳбарнинг рафиқаси экан. Бунини қарангки, орадан етти-саккиз йил ўтиб, унинг эри қамалди. Уч йил қамолда ётди. Охири оғир дарга чалинди. Кўрсатмадан шифокору табиби қолмади. Қўра-қўра қўй-қўзилар, уқор-уқор моллар — барини сотишга тўғри келди. Ози тўла тилла тиш, икки бетидан қон томиб турган анови аёлнинг ҳам юзидан нур қочди. Ҳа, дард филин пашшага айлантириши рост экан.

Хуллас, ўша амалдор вафот этганида бувим фотиҳасига борди. Бева-ни бағрига босиб, кўнгли сўради. Эғинда эса, ени узун, ёқаси бостирмали ўша помбарх кўйлак эди...

PSIXOLOG MASLAHATI

— Ўғлим ўн ёшда. Мақтанчоқ бўлиб қолган. Дўстларини калака қилади. Ўзидан катталарга ҳам кўпол муомалада бўлмоқда. Бунинг сабаби нимада? Шундай вазиятда қандай йўл тутган маъқул?

Диллора ЭШМУРОДОВА
Қамаш тумани

Саволга психолог
Лутфилла ТУРСУНОВ
жавоб беради:

— Ота-она меҳри икки хил бўлади. Биринчиси, биологик-психологик хусусиятга эга бўлиб, фарзандини бағрига босиб, эркалатиб, ижтимоий эҳтиёжларини қондириш бунга яққол мисолдир. Гузал тарбия бериш ҳам шулар жумласидан. Бу турдаги меҳр болага қанчалик кўп берилса, у жамиятдаги ўз ўрнини топишда қийналмайдди. Бордию, мусово этилса, руҳиятида салбий ўзгаришлар намоён бўлиши аниқ.

Сиз тасвирлаган ҳолат, меҳрининг иккинчи тури, яъни боланинг ортиқча эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ. Ҳақдан кўп кийим-кечак, зеб-зийнат, ўйинчоқлар олиб бериш тарбиянинг бузилишига олиб келади. Афсуски, бугун баъзи ота-оналар оқибатини уйламай иш тутмоқда. Натияжада ўғил-қизларда мақтанчоқлик, кибр, ўзгаларни ҳурмат қилмаслик, тенг-



қурларини менсимаслик каби иллатлар шаклланади. Бундай вазиятда болани қаттиқ қойиш ёки бирон нарсасидан маҳрум қилиш керак эмас. Унда кучли норозилик кайфиятини уйғотганингиз қолади. Фарзандингизга ётиги билан мақтанчоқлик иллат эканини тушунтириш. Ҳамма нарсага ўз кучи ва билими орқали эришиши заруригини уқтириш. Аста-секин янги кийим ва ўйинчоқлар олиб беришни қамайтириб, бошқалардан зиёда эмаслигини ҳис қилишига кўмаклашинг.

BILASIZMI?



Ер юзида истиқомат қилаётган 7 миллиард аҳолининг салкам чорак қисми хизмат кўрсатиш соҳасида бана. 19 фоизи кишлоқ ҳўжалиги, 12 фоизи саноат тармоқларида меҳнат қилса, яна 5 фоизи тадбиркордир.

Президентимизнинг 2018 йил 16 апрелдаги "Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони асосан, Ўзбекистон мусулмонлари илориси тасарруфидаги муассасаларда фуқароларга муқаддас Қуръони каримни ўргатувчи махсус курслар ташкил қилинади.



BIR SHINGIL FALSAFA
Аҳҳамбек АЛИМБЕКОВ

ГУМРОҲЛИК

Гулининг тикани: "Борбон мен сўзгадан сўзлар" — дея қилганимиз чоғлар. Аёқ гул гуфганимиз сўз вақтининг бемас...

МУАССИС
ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

ISSN 2030-6776

БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Камолитдин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадаммин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзаёнов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина — масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар
Рўзиёв Зафар
Хусанович
Абдуллаев Хуршид
Ўқтамжонович

Навбатчи
Жавлон Вафоев

Газета материаллари тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиб тахририят рўхсати билан амалга оширилиши шарт. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Тахририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@gmail.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюртма Т-436
Адаби — 22769

Босишга топширилган вақти — 01.00
Тошкентда — 01.40
ҲА №109 — 01.09

Офсет усулида босилган